Ушбу сонда:

2 Ҳуқуқий маслаҳатхона — ЁШЛАРГА ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН КАФОЛАТЛАР

3 БАЙРАМ ҚУВОНЧЛАРИ

4 Муаммо кўндаланг қўйилади — «ЗИЁКОР» СИҲАТГОҲИ НЕГА ЁПИЛДИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 23 март, жума №45 (1059)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ХАЛҚ ШОИРИГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда давом этаётган Наврўз тантаналари яна бир қутлуғ воқеага уланиб кетди. Атоқли ижодкор, халқимизнинг ғурур ва ифтихори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов 60 ёшга тўлди.

Президент Ислом Каримов 22 март куни шоирни Оқсаройда қабул қилиб, таваллуд айёми билан муборакбод этди.

Абдулла Орипов 60-йилларда ўзбек шеърияти осмонида чақиндек пайдо бўлди. Унинг илк шеърлариёқ адабиёт ихлосмандлари қалби тўридан мустаҳкам жой олди. «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Руҳим», «Онажон», «Ҳайрат» каби илк шеърий тўпламлари уни катта истеъдод эгаси сифатида тез орада халққа танитди.

Шоирнинг бирин-кетин дунё юзини кўрган «Юзма-юз», «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари» каби шеърий тўпламлари, «Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл», «Ранжком», «Соҳибқирон» сингари достон ва драмалари ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди, у яратган адабий мактаб миллий тафаккурни янада юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Куни кеча шоирнинг тўйига ўзига хос тўёна бўлиб, тўрт жилдлик асарлар тўплами босмадан чиқди. Шеърият мухлислари учун эса ижодкорнинг барча асарларидан баҳра олиш имконияти туғилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеъриятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканини таъкидлади. Суҳбат чоғида адабиётнинг жамият олдидаги вазифаси, унинг ҳаётдан доимо олдинда юриши, одамларга тўғри йўлни кўрсатиши, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этиши лозимлиги ҳақида қизғин баҳс юритилди.

Шу маънода, бугунги куннинг замонавий қаҳрамонларини яратиш, ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларни ана шу фидойи инсонлар ҳаёти мисолида тарбиялаш адабиётимиз олдида турган муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ҳозирги адабий жараёнга танқидий баҳо берар экан, Ислом Каримов, адабиёт аҳли, муҳтарам ёзувчи ва шоирларимиз халқимизга Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги дея мухтасар ифодаланган олий мақсадларимиз моҳиятини, бугунги мураккаб ҳаётимизда ўз фидойилиги, тадбиркорлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган инсонлар ҳаётини бадиий образлар орқали очиб кўрсатиши лозим, айтмоқчиманки, ижодкорларимиз кўп бўлсин, элим, юртим деб яшасин, замонга муносиб ижод қилсин, дея таъкидлади.

- Биз ХХ аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек каби мумтоз адибларсиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, - деди Президент,- маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг ниҳоясида Абдулла Ориповга эсдалик совғаларини топширди.

Қабул маросимида севимли шоиримиз сўзга чиқиб, кўрсатилган улкан эҳтиром учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

- Инсон яралибдики, бахт нима деган саволга жавоб излайди,- деди Абдулла Орипов. - Менинг бахтим мана шу хуррият замонини кўриш насиб этганида, деб биламан. Бугун менга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиромни адабиётимиз, бутун маданиятимиз намояндаларига кўрсатилаётган эътибор рамзи деб қабул қиламан.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллик таваллуд тўйига бағишланган тантанали кеча 23 март куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.

(ЎзА).

ЭНГ АЖОЙИБ БОҒ

Ғаллаорол туманида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги номидаги боғ барпо этилмоқда. Янги боғ майдони 24 гектар бўлиб, у ҳашар йўли билан хусусий тадбиркорлар маблағи эвазига бунёд қилиняпти.

Халқаро катта асфальт йўл билан Ғаллаорол шаҳри оралиғида 24 гектар ташландиқ ер бор эди. Уни ободонлаштириш ва бу ерда боғ яратиш ҳақида туман ҳокимлиги қарор қабул қилди. Хайрли ишга туман нуронийлари бош қўшишди. Улар ҳам ташаббус кўрсатиб, боғ майдонининг 4 гектарини ўзлари ободонлаштиришга, кўчат экиб боғ яратишга аҳд қилишди. Ҳозирги кунда нуронийлардан Абдуғани Ҳаққулов, Холмўмин ҳожи Мамараҳимов, Салоҳиддин Назаров, Ҳазратқул Мамадиёров, Ҳамро Тошмуродов, Хонтўра Абдуллаев, Бурхон Темиров, Тоштемир Бекмирзаевлар тумандаги ободонлаштириш ва боғ яратиш ҳаракатида фаол иштирок этишмоқда. Янги боғда амфитеатр, сузиш ҳавзаси, савдо расталари, яхна ичимликлар, музқаймоқлар, павильонлари қурилади. Боғ ичида 7,5 километрга чўзилган йўллар бунёд этилаяпти. Боғ саҳнига чинор, дуб, қарағай, арча, мажнунтол, япон сафораси, тут, садақайрағоч, ясен, жийда, япон беҳиси, кипорус, настарин сингари жами 30 хил дарахт ва ранг-баранг гул кўчатлари ўтқазилмоқда.

Тадбирда 100 га яқин ташкилот ва жамоалар қатнашаяпти. Айниқса, Қишлоқ хўжалик ва саноат касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт билим юрти талабалари, «Кўкбулоқ», «Янги ҳаёт», «Ғаллаорол» жамоа хўжаликлари каби жамоалар қўшаётган ҳисса баракали бўлмоқда.

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 10 йиллиги боғини барпо этишга маблағи билан ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сафи тобора кўпаймоқда. Ҳозир 15 га яқин хусусий тадбиркорлар боғ ҳисоб рақамига 2 миллион сўмлик маблағ ўтқаздилар.

Янги боғнинг биринчи навбати Наврўз тантаналари кунларида ниҳояланди, унинг иккинчи навбати эса республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги кунлари поёнига етказилади.

Алибой ЭРГАШЕВ.

АВАЗЧЎЛ БАҲОРИ

Қашқадарёга Наврўз бу йил ўзгача тароват билан кириб келди. Ҳаммаёқда — осмону заминда, ариклардаги зилол сувнинг шўх-шўх чулдирашидан тортиб оппоқ очилган олма гулларида, қушлар чуғур-чуғуридан бошлаб исмалоқнинг хушбўй ҳидларида ҳам Янги йил нафаси кезиб юрибди. Ўтган шанба, якшанба, душанба кунлари вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз байрами тантаналари бўлиб ўтди.

Воҳанинг йирик туманларидан бири бўлмиш Касби туманида Наврўз катта шодиёналар билан кутиб олинди. Алишер Навоий номли ширкатлар уюшмасининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Зикриё Асроровнинг ташаббуси билан мазкур Оналар ва болалар йилида хўжалик марказида қаровсиз ётган бир неча гектар майдонда 350 жонга мўлжалланган болалар сиҳатгоҳи қурилиб, ишга туширилди.

— Таниқли пахтакор-раҳбар бир-икки йил ичидаёқ бу саломатлик марказини йил давомида мунтазам ишлайдиган болалар сиҳатгоҳига айлантириш мақсадида юрибди, - дейди туман ҳокими Ҳалил Соатов, - биз унинг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Касбиликлар Наврўз тантаналарига республика пойтахтида яшаб ижод қилаётган таниқли юртдошлари - профессор Бегали Қосимов, шоирлар — халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, шунингдек, шоир Икром Отамурод ва бошқаларни таклиф қилдилар.

Байрам тантаналари вилоятнинг энг чекка, лекин истиқболли гўшаларидан бири — Усмон Юсупов туманида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Туманнинг Авазчўл ҳудудида жойлашган Ғафур Ғулом номли чорвачилик ширкатлар уюшмасида бу тадбир умумхалқ байрамига айланиб кетди. Хўжаликнинг изланувчан раҳбари Мамат оға Жумақулов ташаббуси билан чўлда, мана икки йилдирки, пахта ҳам етиштирилаяпти. Чўл оқ олтинининг ҳосили ёмон бўлмаётир. Авазчўлликлар бу йил чўл бағрига учинчи марта чигит қадайдилар.

...Якшанба куни тушдан кейин вилоятнинг барча туманларида шаррос жала қуйди. «Наврўз арафасида осмондан ризқ ёғди, барака ёғди», - дейишди Қашқадарёнинг кўпни кўрган отахонлари.

Ҳа, баракага бой Наврўз бўляпти бу Наврўз...

Қодиржон СОБИРОВ.

САМАРҚАНД ШОДИЁНАЛАР ОҒУШИДА

Бу йил — мустақиллигимизнинг ўнинчи баҳорида Наврўз байрами Самарқандда ўзгача тарзда ўтди. Минглаб одамлар «Динамо» ўйингоҳида боқий анъаналарга бой бўлган театрлаштирилган томошаларнинг гувоҳи бўлдилар.

Самарқанд вилояти ҳокими Эркин Рўзиев барчани қутлуғ айём билан муборакбод этди. Шаҳар кўчаларида ҳунармандлар, халқ амалий санъати ижодкорлари ўзларининг ҳунарларини намойиш этдилар. Баҳорий нафислик уфуриб турган ўнлаб келинлар меҳмонларга саломга чиқишди. Саховатли кишилар томонидан ош тортилди. Истироҳат боғлари, бошқа маданий, кўнгилочар кечалар тун ярмигача давом этди.

Шу куни маданий-маиший ҳамда маърифий аҳамиятга молик бир қатор янги иншоотлар очилди. Фахрийларга, кам таъминланган оилалар, қариялар ҳамда меҳрибонлик уйлари болаларига алоҳида иззат-икром кўрсатилди.

Наврўз шодиёналари вилоятнинг қишлоқларида шоду хуррамлик билан ўтказилди.

ШОИРГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг олтмиш йиллигига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан уюштирилган ушбу кўргазмада мўйқалам усталарининг турли йилларда яратилган элликдан ортиқ рангтасвир ва график асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазмада таниқли рассомлар Р.Чориев, Е.Костенко, Р.Шодиев, Ж.Асраннинг Абдулла Орипов ҳаётига бағишлаб турли йилларда яратган асарлари асосий ўринни эгаллайди. Р. Олимовнинг «Тошкентда баҳор», М.Саидовнинг «Фарғона водийси», С.Абдуллаевнинг «Самарқанд баҳори», А.Нуриддиновнинг «Тонг» каби асарлари ҳам шоир шеърларига ҳамоҳанг рангларда яратилган.

(ЎзА).

«Зарафшон» концерт залида Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Миллий олимпия қўмитаси томонидан «ХХ асрнинг энг машҳур спортчиси» деб эътироф этилган спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

СПОРТЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

Мустақиллик йиллари давомида спортчиларимиз учта олимпиада ўйинларида 13 медални, жаҳон ва Осиё чемпионатларида 244 олтин, 194 кумуш ва 248 бронза медалларини қўлга киритишди.

Спортчилар эришган ютуқлар ҳукуматимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланди. Кейинги уч йил мобайнида 89 нафар спортчи ва мураббий «Хизмат кўрсатган спортчи» ҳамда «Хизмат кўрсатган мураббий» унвонига сазовор бўлди.

(ЎзА).

ҲУВИЛЛАГАН МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

«Ишонч» бонг уради

Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг саъй-ҳаракати билан вилоятда кейинги уч-тўрт йилда маҳалла гузарлари ташкил этишга катта эътибор берилди. Жиззах шаҳрининг ўзида 32 та, туманларнинг ҳар бирида 8-10 тадан гузар пайдо бўлди. Ҳар бир гузар ҳудудида қатор маданий-маиший бинолар, савдо дўконлари, цехлар қурилди. Гузарлар маҳалла аҳли, хусусан ёшлар учун тарбия ўчоғига айлантирилди, десак янглишмаймиз.

Афсуски, Дўстлик тумани марказида уч йил бурун қуриб, фойдаланишга топширилган «Наврўз» маҳалла гузари ҳақида бундай илиқ сўзларни айтиб бўлмайди. Бу гузар хўжакўрсинга ташкил этилганми ёки кўз-кўз қилиш учунми, билмадик. 1999 йилнинг Наврўз байрами куни тантанали очилган гузарга барчанинг ҳаваси келганди. Негаки унинг ҳудудида ҳашаматли савдо дўконлари, радио-телевизор таъмирлаш устахонаси, «Миллий маросимлар уйи», «Шон-шуҳрат музейи», Ҳамза маҳалласи фуқаролар йиғининининг маъмурий биноси қад ростлаганди. Янги ўтқазилган минглаб дов-дарахтларни айтмайсизми?

Кейин нима бўлди дерсиз? У ташландиқ жойга айланиб борди. Айни пайтда бармоқ билан санарли кўчатлар қолган, холос. Ҳудудни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш учун шароит етарли, атрофи пишиқ ғишт ва темир панжаралар билан ўралган, оқар сув келтириш учун лотокли ариқлар ўрнатилганди. Шундай имкон бўлишига қарамасдан, уни гулзорга айлантириш, яшилликка буркашни ҳеч ким ҳаёлига келтирмаяпти. Шу йилнинг 20 февралида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги қарори чиққан эди. Энг ачинарлиси, гузарда ойлик мобайнида на бирон туп дарахт, на гул экилди. Сув йўллари таъмирланиб, тартибга келтирилмади.

Ўтган йиллар давомида фақат радио-телевизор таъмирлаш устахонаси ишлаб турди. холос. «Нескафе» қаҳвахонаси» «Феруз» ва «Моҳира» хусусий дўконлари гузар иш бошлаган кунда ишлаган кўйи эртасигаёқ эшигига катта қулф осилди - қўйди. Бир вақтлар ёзги кинотеатр бўлган ҳайҳотдай бино «Миллий маросимлар уйи»га айлантирилганда кўпчиликнинг қувончи чексиз эди. Чунки тўй-маросимларни энди ана шу бинода ўтказишни ният қилишганди. Маҳалла аҳлининг нияти ниятлигича қолиб кетди. На бир тўй, на бир маросим ёки на бирон бир кўнгилочар тадбир ўтказилди. «Шон-шуҳрат музейи» ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки уч йилдирки қулф. Сабаби унинг эгаси йўқ. Ваҳоланки, музей туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими тасарруфида бўлиши керак. Қизиқ, кимлар маҳалла гузарига зор, кимлар эса ундан унумли фойдаланишни билмаяпти ёки истамаяпти.

Равшанки, инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон - бу маҳалладир. Ҳақиқатан ҳам шундай. Тарғибот-ташвиқот ишларини, айниқса ёшлар, ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишларини маҳалла гузарларида яхши йўлга қўйиш бугунги куннинг муҳим талабидир. Халқимиз «Маҳалланг-отанг, онанг» деб бекорга айтмаган.

Вилоятдаги мутасаддилар раҳбарлар «Наврўз» маҳалла гузарининг бугунги аянчли аҳволини атрофлича ўрганиб, маҳалла аҳлининг, хусусан ёшларнинг севимли масканига айлантиришга бош-қош бўладилар, деб умид қиламиз.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар

ФИДОЙИ

Адолатхон бадаллар тушумини кўздан кечириб ўтирганди, хонага ийманибгина ҳамкасби кириб келди.

— Келинг, Ҳамидахон, - унга пешвоз чиқди касабақўм раиси, - ўтиринг.

У бу жувонни яхши танийди: у Овушқа қишлоқ маданият уйининг раҳбари. Иш жойи Ёқубов номли ширкат хўжалиги марказида, уйи эса Қумшайдон қишлоғида. Қатнаб ишлайди. Бир болали бўлганида эридан ажраб қолди. На ота-онаси бор, на ака-укаси. Лекин ўзи ишчан аёл.

— Гамгинроқ кўринасиз?

Аёлнинг кўзида ёш пайдо бўлди:

— Биламан, опа, ишчи-ходимларимизни деб, ўзингизни ўтга-чўққа уриб юрасиз. Робияхон ўз уйини хусусийлаштиролмай юрувди, тўғрилатиб бердингиз. Бир аёл уйида ногирон боласи борлигини айтиб, ишини уйига яқинроқ жойга кўчиртириб беришни сўраганди, ҳожатини чиқардингиз.

— Қулоғим сизда.

— Қиш кириб, совуқ бошланибдики, жоним азобда. На ўтин-кўмирим бор, на газим.

— Маҳаллаларинг газлашган эдику?

— Газлашган. Лекин пул йиғиш пайтида тўлай олмагандим. Ширкат хўжалиги раисига борсам, қишлоқ фуқаролар йиғинига учранг дейди, унга учрасам, газлаштириш идорасига жўнатди. Хуллас, бошим қотиб қолди, опа.

Адолатхон турмушнинг аччиқ-чучугини кўп татиган аёл. Қуш тилини қуш билганидек, жувоннинг қай аҳволда кун кечираётганини кўз олдига келтирди-ю, юраги увишиб кетди.

— Юринг, Ҳамидахон, бир уриниб кўрайлик-чи.

Жувонда умид учқуни пайдо бўлиб, чеҳраси ёришди.

Адолатхон ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб, Ҳамидахон Ҳолиқова билан туман ўт ўчириш кўнгилли жамияти раисининг хонасига кириб борди.

— Бизни танирсиз: мен туман марказий маданият уйининг директори Адолатхон Раҳмонова бўламан. Сизнинг олдингизга туман маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида келдим. Мана бу ходимимиз шу қиш-қировли кунларда ўта қийин аҳволга тушиб қолибди.

— Танийман бу жувонни. Ёрдам сўраб бир-икки келган чамамда. Хизматимиз пуллик эканлигини айтганимда, индамай чиқиб кетган.

— Нимаям қилсин, пулини ўзи тўлаёлмайди, чунки маоши оз. Аммо меҳр-шафқат, оқибат ҳам қилиш керак-ку одам! Наҳотки, бирор ишни пулсиз бажаришнинг иложи бўлмаса?

Бўлим бошлиғи ўйланиб қолди. Адолатхон эса куюниб давом этди:

Майли, касб байрамларинг кунимми, Наврўздами, сизларга бепул концерт қўйдириб берайлик. Лекин бу аёлни шу аҳволда қолдирсак инсофдан бўлмас.

— Хўп, - ниҳоят розилик берди бўлим бошлиғи, сўнг Ҳамидахонга юзланди, - эртага уйингизда бўлинг. Ҳаммасини ўз ёнимиздан ўрнатиб берамиз. Рухсатноманиям ўша ерда оласиз...

Пахтаобод туманида Адолатхон Раҳмоновани танимайдиган киши йўқ. У маданият уйида бир-биридан қизиқарли танловлар, учрашувлар, кечалар, давра суҳбатлари уюштириш, «Гулжамол» мақом ансамбли, «Ойдин» эстрада гуруҳи, «Фебус» вокал-чолғу дастаси ишларига раҳбарлик қилиш билан бирга касабақўм раиси сифатида ҳам ҳурмат-эътибор қозонган.

— Биласизми, Адолатхонга ўхшаган жонкуярлар бизда оз эмас, - дейди Андижон вилоят маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Равшаной Жўрабоева. - Уларнинг маошсиз, жамоатчилик асосида шунчалик серқирра юмушларни амалга ошираётганларининг ўзи — қанчалик садоқатли, мурувватли одам эканликларини кўрсатиб турибди. Улар элга хизмат қилиб чарчамайдилар. Биз ана шундай жонкуярларга суяниб ишлаяпмиз.

М.АБДУКАРИМОВ.

Тошкент вилояти ҳокимининг соврини учун шу йили 16 март куни «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд»ларни аниқлаш бўйича кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Паркент туманидаги қуритилган меваларни қайта ишлашга ихтисослашган Саидкарим Юсупов раҳбарлигидаги «БЕР-АД» хусусий фирмаси «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Ушбу йўналиш бўйича иккинчи ўринни Оҳангарон шаҳрининг «Микрос» ишлаб чиқариш фирмаси эгаллади. Учинчи ўринга Қибрай туманида юқори кўрсаткичларга эга бўлган «Зумрад-Л» хусусий фирмаси сазовор бўлди.

«Энг яхши фермер» номини Паркент туманидаги Мавлонхўжа Ҳожиев раҳбарлигидаги «Бахт» фермер хўжалиги қўлга киритди. Ўрта Чирчиқ туманида самарали меҳнат қилаётган «Турон» фермер хўжалиги иккинчи, Чиноз туманидаги «Юлдуз» хусусий чорвачилик хўжалиги эса учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Бўстонлиқ туманида ўзининг миллий кийим-кечак, дўппилари билан ном чиқарган Қудисияхон Эшонхўжаева вилоятда «Энг яхши ҳунарманд» деб топилди.

Суратларда: «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг вилоят босқичидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЁШЛАРГА ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН КАФОЛАТЛАР

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: 18 ёшга тўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш, иш ва дам олиш вақти масалалари бўйича уларга қонунда белгиланган кафолатлар тўғрисида тушунтириш берсангиз.

С.Аллаберганова,
Гурлан тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасига биноан меҳнатга лаёқатли шахс ўн олти ёшдан, ўн беш ёшга тўлган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалда бўлиб келаётган Меҳнат кодексига ёшлар меҳнатига тааллуқли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Меҳнат қонунчилигидаги бу ўзгариш, қўшимчалар вояга етмаганларни меҳнатга тайёрлаб, уларда касбга тайёргарлик кўникмаларини пайдо қилишга жуда кенг имкониятлар яратади. Шунинг учун уларни касб танлашга йўналтириш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларида 14 ёшга етган ўсмирларга турли касб ўргатиб борилади. Шунга мувофиқ меҳнат қонунчилигида ҳам 14 ёшга тўлганларнинг юқорида кўрсатилганидек ёзма равишда розилиги олиниб, улар соғлиғига салбий таъсир қилмайдиган ҳамда ўқишига халақит бермайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бунда иш берувчи албатта ўқувчининг қайси вақтда ўқишдалиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши зарур.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс ишга қабул қилиш вақтида паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, - туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан ҳақиқатда шу манзилгоҳда истиқомат қилишлиги тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилиши шарт. Булардан ташқари, ишга кираётганлар меҳнат дафтарчасини (агар биринчи маротаба ишга кираётган бўлса, меҳнат дафтарчаси талаб қилинмайди), ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий ҳисобда турганлиги ҳақидаги гувоҳномани тақдим этади.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Меҳнат кодексининг 214 ва 239-моддаларига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ишга қабул қилинишидан олдин, албатта, тиббий кўрикдан ўтган бўлишлари ва бу жараён меҳнат фаолияти давомида ҳам ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ҳар йили такрорланиб турмоғи зарур. Тиббий кўрикдан ўтиш учун бериладиган йўлланмада ходимнинг бажарадиган иши тўғрисида маълумот, лавозими кўрсатилган бўлиши, шунга мувофиқ шифокор уни шу ишга лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисидаги тиббий хулосани чиқариб бериши, иш берувчи эса хулосага мутаносиб равишда иш юритиши талаб этилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ер ости ва бошқа ишларда фойдаланиш умуман таъқиқланади.

Бу шахсларнинг қонунларда белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди. Бу ишларнинг рўйхати 1996 йил 19 мартда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва 1996 йил 2 апрел Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, 1996 йил 28 май Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

Вояга етмаганлар меҳнат жараёнида катталардан фарқли ўлароқ, қисқартирилган иш вақтига риоя қиладилар. Бу уларга берилган яна бир имтиёздир. Амалдаги қонунга кўра, катта ёшдаги ходимлар учун нормал иш муддати ҳафтасига 40, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга 36, 16 ёшгача бўлганлар учун иш вақти 24 соатдан ошмаслиги керак.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати тегишли ёшдаги ходимлар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетмаслиги керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар гарчи қисқартирилган иш кунида меҳнат қилсалар-да, уларга тўлиқ иш куни ҳисобида ҳақ тўланади. Ўқувчи ёшларга эса ишлаган вақтига мутаносиб ёки бажарган ишига қараб иш ҳақи берилади. Бунда алоҳида таъкидлаш мумкин бўлган жиҳат шуки, вояга етмаган ходим Меҳнат кодексининг 245-моддасига мувофиқ тунги иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилинмайди. Бу имтиёзлардан ёшларимиз тўлиқ фойдаланишлари, қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик учун ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда ходимнинг туғилган йили, ойи, куни ҳамда унга қисқартирилган иш куни жорий этилгани аниқ кўрсатиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

1996 йилнинг 1 апрелигача, яъни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси амалга киритилгунга қадар 18 ёшгача бўлган ходимларга йиллик меҳнат таътили бир календар ойи миқдорида берилган бўлса, янги тартибга кўра камида ўттиз календар кундан иборат йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки ўзи учун қулай бўлган бошқа вақтда фойдаланишларига рухсат этилади. Жамоа шартномасида уларга узайтирилган меҳнат таътили белгиланиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда (Меҳнат кодексининг 100-моддаси II қисмининг 1-4-бандлари), меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади. Бу вояга етмаганларни иш билан таъминлашда яна бир кафолатдир.

Ижтимоий ҳимоя

Меҳр-оқибат азал-азалдан халқимизга хос хусусият. Эътиқодига содиқ миллатимиз ҳар қандай оғир дамларда ҳам ундан воз кечмаган. Мустақиллик шарофати билан кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар давлат муҳофазасига олинди. Бу борада Президентимизнинг қатор фармонлари эълон қилинди.

ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР, НОГИРОНЛАРГА

имтиёзли таъминот

Бугунги кунда Денов туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 100 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар, 50 нафар ногиронга 16 нафар малакали хизматчи сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520-сонли қарорига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз нафақахўр ва ногиронларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туманда яшовчи 100 нафар киши коммунал-маиший хизмат ва электр энергиясидан имтиёзли фойдаланмоқдалар.

Шунингдек, дори-дармонлар билан имтиёзли таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари эса ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан ўз вақтида эҳтиёжманд фуқаролар уйларига етказиб берилмоқда.

Тумандаги маҳаллалар томонидан ёлғиз қариялар, ногиронлар сартарошхона, устахоналарга бириктириб қўйилган.

— Ўтган йили тумандаги ҳомий ташкилотлар 3 миллион 450 минг сўмдан зиёд хайрия ёрдами кўрсатдилар, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Ҳалима Аминова.

— Савоб иш қилишни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб биладиган тадбиркорларимиз ва ҳомий ташкилотларимиз беғараз мадад кўрсатишмоқда.

Яқинда «Лочин» хусусий фермер хўжалиги эҳтиёжмандларга 250 минг сўм, ҳамда бир дона ногиронлар аравачаси совға қилди. Шу куни фермер хўжалиги раҳбари Аҳмад Нарзуллаев ногиронларга дастурхон ёзиб, бир пиёла чой ташкил этди.

Айниқса, «Байтул ҳикмат» хусусий фирмаси дори-дармондан ёрдам берган бўлса, «Сурхон-озиқовқат» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар махсус аравачалар тортиқ қилиб ногиронлар кўнглини овладилар.

Хуллас, мамнуният билан айтиш мумкинки, туман ижтимоий таъминот бўлими малакали мутахассисларидан Маматқул Тангиров, Ортиқ Аввалов, Муҳаббат Усмонова, Мунаввар Бобомуродовалар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз нафақахўр ва ногиронларнинг ҳурмат-эътиборини қозониб, улар дуосини олишмоқда.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЯНА БИР ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Халқимизнинг севимли байрами - Наврўз арафасида мамлакатимиз фармацевтика саноати корхоналарини тиббий шиша идишлар билан таъминлаш тубдан яхшиланди. «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концерни «Акварель» фирмаси билан ҳамкорликда қуриб битказган «Фарм-Гласс» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ишга туширилди.

Йилига турли сиғимдаги 50 миллион дона шартли бирликда тиббий идишлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона фармацевтика саноатимизнинг шундай маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириб-гина қолмай, уни экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Шуниси эътиборлики, маҳсулот ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Ҳозирча фақат сода Россиядан келтирилмоқда. Кейинчалик сода заводи ишга туширилгач, у ҳам ўзимизда ишлаб чиқарила бошланади.

Меҳнат муҳофазасига зид ҳаракат

ТЕМИР ЙЎЛДАГИ ҲОДИСА

Унинг сабаблари ва сабоқлари

...Яхшиямки, ҳеч ким жабр кўрмади. Кексалар ибораси билан айтганда, ўзи асради. Буни қандай баҳоламоқ керак, билмадик: лоқайдликми ё масъулиятсизлик. Ҳар ҳолда ушбу воқеа бошқаларга сабоқ бўлиши, такрорланмаслиги лозим. Негаки, пўлат излардаги ҳаракатга нисбатан озгина бепарволик жуда қимматга тушиши мумкин.

«Ўзбекистон» депоси локомотив бригадаси айби билан шу йил 28 январ куни соат 8 дан 10 минут ўтганда ҳаракатдаги ТЭМ2-473 тепловози 6453 рақамли электр поездининг орқа қисмига бориб урилди. Хайриятки, тепловоз соатига бор-йўғи 15 километр тезликда ҳаракатланаётган эди. Хўш, нима сабабдан тўқнашув юз берди?

Ишга чиқиш олдидан машинист Саидов одатдаги тиббий кўрикдан ўтказилади. Унинг қон босими ўлчанганда, 100 га 150 эканлиги аниқланади. Маълумки, бундай ҳолда машинист ишга қўйилмайди. Тиббий пункт ходими Бекназарова уни ишдан озод этиб, поликлиникага йўллайди. Саидов бу ҳақда депо бўйича навбатчи Деҳқоновни хабардор қилади.

Ажабланарлиси шундаки, Деҳқонов Саидовни ҳар қандай юмушдан озод этиш ўрнига навбатчи хонасида дам олиб қайта тиббий кўрикдан ўтишни маслаҳат беради. Ўзи эса шу вақтда қаёққадир чиқиб кетади. Машинист хаёлидан нималар ўтди, номаълум, фурсатдан фойдаланиб тепловоз томон йўл олади. Уни ўзбошимчалик билан бошқариб йўлга чиқади. Деҳқонов эса унинг ўз хоҳишича кетаётганини кўриб тепловозни тўхтатиш ва жойига қайтариш чораларини кўрмайди.

Бу пайтда Саидов ва машинист ёрдамчиси Мирзақулов бошқарувидаги тепловоз Сирдарё бекати томон кетиб борар эди. Вақт ярим тун. Шунда поездлар нозими Қодиров кўрсатмаси билан 473 ва 1103-рақамли тепловозлар бирлаштирилиб алмаштириш учун Оқ олтин бекатига жўнатилади. Алмаштирилгач, Саидов дам олиш мақсадида рухсат олиб саноат ҳудудига киради.

Тонгда, соат беш яримда Саидов Мирзақуловга уйига кетиши учун рухсат беради. Машинист Қодиров эса ёрдамчисини 473-тепловозда қолдириб, Саидов олдига келади ва улфатчилик қилишни таклиф этади. Шу ерда бир ҳолатга эътибор бераймиз. Агар навбатчи Саидовнинг қон босими кўтарилганини ҳисобга олиб, уйга кетишига рухсат берганида у кўнглига келган бебошликни қилмас, бекатма-бекат дайдимас, пировардида хавфли вазиятни юзага келтирмас эди. Шу билан меҳнат муҳофазаси талабларига зид иш қилмас ҳам эди.

Хуллас, спиртли ичимлик ичилгач, Саидов дам олиш ўрнига Сирдарё станциясига қайтишни ихтиёр қилади.

Соат етти яримларда 1103-тепловозда «шишадоши» Қодиров ҳамроҳлигида йўлга чиқадилар. Бекат навбатчиси Тоғабоев рация орқали тепловоздагилар билан уланмоқчи бўлади. Қайта-қайта чақиришига қарамай, жавоб ололмайди. «Қизиб» олган улфатлар тўхташни хаёлларига келтиришмайди. Янги Чиноз яқинидаги таъқиқланган сигналга қарамай, йўлда давом этавериш ади. Кўп ўтмай, тепловоз 3437-километрда электр поезднинг дум қисмига бориб урилади.

Шукрлар бўлсин, тўқнашиш одамларга жабр етказмади. Аммо давлатга моддий зарар етказилди. Хўп, энди у кимнинг ҳисобидан қопланади? Ахир, ўша «сайр» фожеа билан тугаши ҳам мумкин эди-ку! Мабодо, кимдир шикастланганда-чи? Инсон ҳаётини, саломатлигини пул билан ўлчаш мумкинми? Бу пайтда электр поездида қанчадан-қанча одам ишга, зарур юмуш билан кетаётган эди...

Воқеа тафсилоти таҳлил этилса унинг сабаб-чилари, айбдорлари кўп. Лекин энг айблиси, иш пайтида спиртли ичимлик ичилганидир. Унинг устига кайф уларни элитган ва ухлаб қолишган. Электр поезди соатига 15 км. эмас, юқори тезликда бориб урилганида нима бўларди?

Одатда бирор кори ҳол юз берса ҳамма айб ичкиликка йўйилади. Бу тўғри, аммо ичган одамга-чи? Ахир, у иш пайтида ичмаслиги лозим эди-ку! Кўриниб турибдики, «Ўзбекистон» депосида меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Назорат, техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар, комплекс текширувлар, йўриқномалар бериш талаб даражасида олиб борилмаган. Демакки, касаба уюшма қўмитаси меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги юзасидан иш олиб бормаган ёки хўжакўрсинга «фаолият» кўрсатган.

Ўрни келганда, яна бир гап. Эрталаблари Гулистон, Сирдарёдан йўлга чиққан электр поездларида одам шунақа кўп бўладики, баъзилар вагонга чиқа олмай унинг дум қисмида осилиб кетишади. Бир эмас, беш, ўн бекатгача шундай боришади. Темирйўлчилар бунинг олдини олишса яхши бўлар эди. Инсон ҳаёти азиз, уни асрашимиз даркор. У манзилига тинч, хотиржам, саломат етсин, деймиз.

Тўғри, юқоридаги ҳодиса бўйича жиноий иш қўзғатилди. Машинистлар ишдан четлатилди. Кимлардир мукофотдан маҳрум этилди. Раҳбарларга ҳайфсан эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, вазифасига масъулиятсизлик қилганлар ўз жазосини олди. Лекин асосийси, ундан тегишли хулоса чиқаришдимикан? Поездлардаги юзлаб йўловчилар ҳаётига жавобгар бўлиб, вазифалари нақадар масъулиятли эканини тушуниб етишдимикан?

Равшан АБДУЛҲАЕВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЁҚИЛҒИ — ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон халқини ва тармоқ ходимларини энг ардоқли кунларимиз билан муборакбод этади.

Озод ва обод Ватанимизни гуллатиб-яшнатиш йўлидаги шарафли ишингизда муваффақият ёр бўлсин!

«KABOOL FERGANA CO. LTD» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

БАРЧА-БАРЧАНИ ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН НАВРЎЗ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ.

Пок ниятларимизни рўёбга чиқаришда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Bayramingiz

muborak bo'lsin!

Меҳрибонлик уйларида

КЎЗЛАРИНГДА ҒАМ КЎРМАЙИН, БОЛАЖОН!

Кейинги икки йил ичида Қарши шаҳридаги 3- Меҳрибонлик уйи тубдан ўзгариб кетди. Бунда Қашқадарё вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акциядорлик компаниясининг ҳиссаси катта. Яқинда у яна 4 миллион сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатди. Ҳозирги пайтда болалар масканида матлуботчилар томонидан 10 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Шаҳарнинг қадимий маҳаллаларидан бири - Қизилмачитда жойлашган Меҳрибонлик уйида бўлганимизда Наврўзга бағишланган тадбирнинг устидан чиқдик. Вилоят «Матлуботсавдо» ҳудудий акционерлик компанияси раиси Ўктам Қурбонов, унинг ўринбосари Зиёдулла Қурбоновлар болалар даврасида эдилар.

Ҳа, бу ердагилар ўз ҳомийларининг ташрифига ўрганиб қолишган. Шу боис «Бобомиз келдилар» дея, иззат-икром билан қарши оладилар. Саховатпеша раис ҳам тарбияланувчилар ҳузурига қуруқ қўл билан бормайди. Кийим-кечак, ҳар хил ширинликлар, китоб-дафтарларни ҳадя қилади.

- Жамоамизда 52 нафар бола тарбияланмоқда, - дейди Меҳрибонлик уйи директори Гулсара опа Раҳмонова. - Энг муҳими биз болаларни фақатгина тарбиялаш билан шуғулланиб қолмасдан, уларни ўқита бошлади. Бу харажатларни ҳомийларимиз ўз зиммаларига олдилар. Ҳозир 32 та бола мактабда таълим олмоқда.

Ўтган даврда савдо ходимлари томонидан тарбияланувчиларга 14338 сўмлик ўқув қуроллари, 239400 сўмга телевизор олиб берилди. 315168 сўм маблағ сарфланиб, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди. Илм даргоҳларига борадиган болаларга 170340 сўмлик мактаб формалари ва дарсликлар тақдим этилди. Қарши шаҳар халқ банкида 47 та боланинг ҳар бирига омонат дафтарчаси очилиб, 10 минг сўмдан маблағ қўйилди. Янги йил ва Наврўз байрамларида тарбияланувчиларга 250 минг сўмлик совға-саломлар тарқатилди.

Тарбиячилар Земфира Галиева, Муҳаббат Хуррамова, Мукаррам Муқимова, Маҳмуда Шоймардоновалар болаларнинг одобли ва билимли бўлиб ўсиши учун ўзларини масъул билган ҳолда астойдил жон қуйдирмоқдалар. Тиббиёт ҳамширалари Шоира Исматова, Гулбаҳор Мавлонова, энагалар Малика Ҳамидова, Назира Отаева, ошпазлар Меҳри Муродалиева, Салима Бойсариевалар ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш йўлида парвона. Шуниси эътиборга лойиқки, бу масканда тарбияланаётган 5 миллат вакилларининг ҳаммаси ўзбек тилида равон ва бурро сўзлайдилар.

Илгари Меҳрибонлик уйи кўримсиз биноларда жойлашган эди. Ҳомийлар томонидан у янгитдан таъмирланди, қўшимча бинолар, дарвоза, кўркам фаввора қурилди, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди, спорт майдончаси қайтадан жиҳозланди. Эндиликда 10 миллион сўм маблағ сарфланиб, маъмурий идора ва соғломлаштириш мажмуаси қурилмоқда.

Етим-есирлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий урф-одатидир. Ота-онасиз ўсган фарзандлар кўзида ғам кўрмаслик, уларнинг яйраб-яшнаб ўсишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш вилоят матлуботчиларининг эзгу ниятидир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бетобликдан олдин саломатликнинг қадрига ет, дейилади муқаддас ҳадисларда. Афсуски, кўпда ана шу бебаҳо бойликнинг қадрига етавермаймиз. Танамизда дард сезсакгина тиббиёт ходимларига мурожаат қиламиз. Бахтимизга шундай инсонларнинг борлиги жонимизга ора киради.

ОҚ ХАЛАТЛИ НАЖОТКОРЛАР

Республика эпидимиология-микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти ходимлари ҳам профессор Муборак Аҳмедова бошчилигида доимо эл хизматига камарбаста, юртнинг асосий бойлиги ҳисобланмиш эл саломатлиги қайғусида.

Мазкур даргоҳда ўз соҳасининг етук билимдони бўлган тиббиёт ходимлари



барча бўлимлар энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Ҳозирги кунда институтда токсаплазмос бўлими ташкил этилган бўлиб, унда бу касаллик билан оғриган беморлар учун қўшимча равишда 10 та ўрин ажратилган.

Айниқса, Японияда келтирилган ДТБ 22 НИССО аппарати сунъий буйрак ўрнатилган беморларнинг жонига ора кирган. Бу аппаратнинг асосий вазифаси токсаплазмос касаллиги оқибати - қон бузилишини меъёрига келтиради, қонни тозалайди. Японияда келтирилган мазкур аппарат нафақат республикамизда, балки жаҳоннинг етакчи сариқ, қора оқчоқ, юқумли ичак касалликлари билан оғриган беморлар дардига шифо топиш илинжида кеча-ю кундуз тиним билишмайди. Шифо масканидаги

мамлакатларида ҳам камёб ҳисобланади.

Умуман олганда, Республика эпидимиология-микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти ходимлари беморлар учун барча шарт-шароитларни яратиш, касалликларнинг олдини олиш, уларни доимий тиббий назоратдан ўтказиш ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйишган. Шифо маскани ходимларининг бирламчи шиори эса Гиппократ қасамёдига содиқ қолган ҳолда, доим эл дардига малҳам бўлишдир.

Н.МАНСУРОВ.

Суратларда: 1. Даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Шаҳло Каримова ва катта ҳамшира Сурайё Каримовалар.

2. Сариқ касалликлари бўлими бошлиғи Дилшод Мирзаев беморни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

«Наврўз-2001»

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида умумхалқ байрамига бағишланган «Наврўз-2001» республика бадиий кўргазмаси ташкил этилди. Унда уч юздан ортиқ ранг-тасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий-безак санъати ва фотосанъат асарлари намойиш этилмоқда.

Жаннатмонанд юртимизнинг гўзал табиати, баҳор манзаралари, меҳнаткаш ватандошларимиз қиёфалари акс эттирилган ушбу кўргазмадан таниқли ижодкорлар билан бир қаторда ёш мусаввирларнинг асарлари ҳам ўрин олган. Жумладан, Акмал Жамолов ва Римма Гаглоеванинг баҳор манзаралари ва натюрмортлари акс эттирилган картиналари, О.Қозоқовнинг юксак маҳорат билан яратилган портретлари, фарғоналик қўлигул уста Л.Семизорованинг гобеленлари, тошкентлик зардўз Б. Анорқулованинг зардўзи либослари, каштачилик буюмлари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма 30 мартгача давом этади.

(ЎзА).

ЁШЛАР ХИЁБОНИ

Яқинда Ғаллаорол тумани ёшлари «Ёшлар хиёбони»ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббусни ҳокимлик, барча ёшу қари қўллаб-қувватлади. Маскан учун жой танланиб, бунёдкорлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. 24 гектар майдонни эгаллаётган хиёбонда бугунгача 21 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек хиёбон ҳудудида 2 та сув ҳавзаси, павильонлар, кичик амфитеатрлар қурилиши жадал суръатларда давом эттирилаяпти.

Ҳашар йўли билан бунёд этилаётган мазкур хиёбон фойдаланишга топширилгач, у ёшларнинг бўш пайтларини кўнгилли ўтказишлари учун севимли оромгоҳга айланади.

Н. БЎРИЕВ.

Болаликда ҳар баҳорни интизорлик билан кутардик. Мурғак қалбимизга кўклам ўзининг оламолам қувончу шодликларини олиб келарди. Куртакларнинг кўз очиши-ю турфа ҳашоратларнинг ғимирлашидан баҳор нафасини илғардик.

Сумалак атрофида

БАҲОРНИ КУЗЛАРГА БЕРГИМ КЕЛМАЙДИ

Шундай фарахбахш кунларда маҳалламизда кунда кимнингдир ҳовлисида сумалак пиширилар, ўйин-кулгу авжига чиқарди. Ҳа, сумалак ҳақиқий байрамга айланарди. Осилган дошқозонлар атрофида бўлаётган қийқириғу шодликларнинг қаҳрамонлари албатта ўзимиз бўлардик. Катталар ҳам бизнинг шодлигимиздан завқланарди. Бундай пайтларда, айниқса, саксонни қоралаган момомнинг кўзларида севинч порларди. У гоҳ болаларча бизларни ўйинга чорлар, гоҳ ажин босган юзларини оҳиста силаган кўйи узоқ ўйга чўмарди.

Дошқозонларда шақирлаб қайнаётган сумалакни кўзғашга ишқибозлар кўп эди. Момом эса фурсатдан фойдаланиб, йиғилганларга сумалак тарихига доир ривояту афсоналарни ҳикоя қилиб берар ва бизга қарата, агар саҳаргача ухламасдан пойласаларинг, фаришталарнинг сумалакка туз солиб кетишини кўрасанлар, дерди ажин босган юзларида аллақандай ширин ним табассум билан. Ишонардик. Ҳар гал ўз-ўзимизга фаришталарни албатта кўришга ваъда берардик. Қаёқда дейсиз, гоҳ қувлашмачоқ, гоҳ бекинмачоқ ўйнай-ўйнай чарчаган тенгдошларимизни бирин-кетин ғафлат уйқуси босарди.

Ариқларда сувларнинг жилдираши, қушчаларнинг чуғур-чуғури, қирлардаги бойчечагу чучмомалар, ўтўланлар болалигимиз бисоти эди.

Тириклик бор жойда ўлим ҳақ. Баҳор тугаб, куз ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Боғлар хазонларга тўлди. Кунлар шу зайлда ўтиб, ниҳоят куз боғимиздаги охирги баргни ҳам дарахт танасидан мосуво қилди. Биз шу куз момомиздан айрилиб қолдик.

Ҳафталар кетидан ойлар ўтиб, яна баҳор келди. Ҳар галги анъанамизга кўра, яна дошқозонларга сумалак осилди. Яна даврамиз ўйин-кулгига тўлди. Яхши кунларда яхши одамлар эсланади, деганидек, момомизни хотирладик. У кишининг пок руҳларига тиловат қилинди. Аммо, момомсиз ўтган бу даврадан, сумалакдан файз кетганлигини мурғак қалбим англаб турарди.

Мен ҳар баҳорни соғиниб кутаман. Соғинганимки, баҳорда сумалакка яна момом бош бўладигандек туюлаверади. Баҳорни эса кузга бергим келмайди.

ШАҲРИЁР.

САХОВАТ

Марҳамат туманидаги «Мурувват» ижтимоий хайрия жамғармаси қисқа вақт ичида кам таъминланган 40 дан зиёд оилага беминнат моддий ёрдам кўрсатди. Мактаблардаги энг иқтидорли болаларга рағбатлантирувчи стипендиялар тайинланди. Маънавият хоналарини жиҳозлаш учун 50 минг сўм маблағ ажратди.

Жамғарма фаолиятининг бундан кейин янада кенгроқ қанот ёзишига ишонч бор. Чунки, тумандаги бир қатор фермерлар, илғор ҳиссадорлик жамиятлари ва корхоналар ҳам жамғармани баҳоли-қудрат маблағ билан таъминлай бошладилар. «Шоира» фермер хўжалиги, 13-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма, «Истиқлол» ширкат хўжалиги шулар жумласидандир.

Дунёда байрамлар кўп. Бироқ, Наврўзи олам ўзининг файзу таровати билан алоҳида ажралиб туради. Бу гўзал байрам халқимизнинг ажралмас анъанасига айланиб кетган. Чеҳрасидан нур ёғилаётган дўстларим, фарзандларимни кўриб дилдан қувнайман. Наврўз руҳи барчамизда олийжаноб туйғуларни уйғотди.

СУРУР

Кўз тегмасин, жаннатмакон ўлкада яшаяпмиз. Ҳазрати инсон юксак даражада қадрланади бу заминда. Эмин-эркин яшашимиз, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши унинг ҳукуматимиз, ҳурматли Президентимиз барча имкониятларни ишга солаётганлигини хис қилиб турибмиз. Қорақалпоғистонликлар мисли кўрилмаган қурғоқчиликка дуч келганларида Ўзбекистон ҳукумати ўз вақтида ёрдам қўлини чўзди. Муаммолар тезкорликда ҳал этилди. Ўша кезларда кишилар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат нақадар кучлилигини хис қилдим. Ишончим комил, Хизр назар қилган юртимизда барча эзгу ниятлар ижобат бўлғусидир.

Сафарбой АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
«Турон» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ишчиси, Хўжайли тумани.

ЧИМБОЙЛИҚ ГУЛЗОРЛАРИ

Умрингдан бир куни қолган бўлса ҳам кўчат эк, дейишади. Шу боиски, дарахт экиб боғ яратиш, арик қазиб сув келтириш, чор-атрофни кўкаламзорлаштириш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Бўстонлиқ туманининг Амир Темур жамоа хўжалиги ҳудудидаги Чимбойлиқ қишлоғида ҳам бу борада таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Яқиндагина тўлиқ газлаштирилган қишлоқда ташландиқ жойлар тартибга келтирилиб, янги боғ-роғлар, гулзорлар яратилмоқда. Бу ишларга хўжаликда кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Соҳиб Ҳайитбоев бош-қош бўлмоқда.

— Илгарилари бу жойлар қаровсиз, ташландиқ ҳолатда эди, — дейди Соҳиб ота. — Ҳозир эса кўриб турганингиздек жаннатмакон боққа айланди. Кўплаб мевали дарахтлар билан бирга боғ атрофига минг туп терак кўчатини ҳам ўтқаздик. Фикримча, юртни ободонлаштирган, боғ-роғга айлантирган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Зеро, «Яхшидан боғ қолар» деб бежизга айтишмаган.

Ж. ОХУНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўтган йили маорифчиларнинг севимли маскани бинойидек ишлаб турган «Зиёкор» сиҳатгоҳи ёпилди. Шу боис вилоят таълим, фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўзининг 77 минг нафардан ортиқ аъзосини Урганч давлат университетига тегишли сиҳатгоҳга йўллай бошлади. Аммо яқинда сиҳатгоҳда бўлганимизда қизиқ ҳолатга дуч келдик. Билсак, 25 нафар шифокор ишлаётган сиҳатгоҳда жами 24 нафаргина киши дам олмоқда экан. Уларнинг ҳам 3 нафари талаба, қолганлари олис туманлардан малака ошириш учун келган муаллимлар. Очиғини айтганда, улар ҳам сиҳатгоҳдан меҳмонхона сифатида фойдаланишаркан...

Муаммо кўндаланг қўйилади

«ЗИЁКОР» СИҲАТГОҲИ НЕГА ЁПИЛДИ?

Хоналарни айланиб, чанг босиб ётган, чет элда ишлаб чиқарилган ноёб, қимматбаҳо тиббий ускуналарни кўриб ачинасан киши. Пол бўёқлари ўчиб кетган, деворлари нурай бошлаган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам ўлда-жўлда.

Бизга бу ерда яна бир муаммо пайдо бўлганлигини айтишди: йўлланмаларнинг қисман тўлов ҳақлари бўйича талабаларга бериладиган имтиёзлар нима сабабдандир бекор қилинибди.

Шуни назарда тутиб университет бирлашган касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан тузган жамоа шартномасида ҳар бир талаба учун 2 минг сўм миқдорда моддий ёрдам беришни кўзда тутган эди. Лекин бу ҳам аҳволни ўнглай олмаяпти.

Боз устига электр чироқларининг тез-тез ўчиб туриши дам олувчилар кайфиятини баттар бузмоқда, қолаверса, бу санаторийнинг узлуксиз ишлашига тўсқинлик қиляпти. Деярли барча тиббий хизмат электр энергияси ёрдамида амалга оширилгач, иситиш қозонлари фаолияти ҳам электр қувватига боғлиқ бўлиши табиий. Бу яна бошқа муаммоларни келтириб чиқармоқда.

— Санаторийнинг барча хўжалик фаолияти таъминоти бизнинг зиммамизда, - дейди университет бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Оллоёр Каримов. - Шу боис ҳар йили сиҳатгоҳга 3 миллион сўм маблағ ўтказиб турамиз. Лекин кейинги пайтларда бу ерда дам олувчиларнинг аксариятини маорифчилар ташкил қилмоқда. Аммо улар моддий жиҳатдан сиҳатгоҳга деярли ёрдам бераётганлари йўқ. Талабаларнинг эса бу ерда даволаниб, дам олишга имкониятлари етарли эмас.

Ўтган йили ушбу масканни моддий жиҳатдан таъминлаш, шароитни бир мунча яхшилаш мақсадида уч томонлама шартнома имзоланган эди. Унга университет ректори Азимбой Саъдуллаев, вилоят халқ маорифи бошқармасининг мудири Йўлдош Бобожонов, вилоят таълим, фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Муяссар Раҳимовалар имзо чекишганди. Университет ва юқоридаги қўмита томонидан шартнома шартларининг асосий қисми бажарилган бўлса-да, вилоят халқ маорифи бошқармаси бу борада панд берди: маорифчилар шартнома мажбуриятларини уддалай олмади.

Вилоят касаба уюшма тармоқ қўмитаси раиси М.Раҳимованинг фикри эса қуйидагича:

— Бултур сиҳатгоҳга 19 миллион сўм маблағ ажратдик. Бу йил ундан ҳам кўпроқ пул ўтказишни режалаштиряпмиз. Аммо аҳволни яхшилаш учун университет раҳбарияти ўзининг ходимларига имтиёзларни янада кўпайтирсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу ҳам тўғри. Лекин сиҳатгоҳда даволаниб, дам олувчиларнинг кўпчилигини маорифчилар ташкил қилади. Шу сабабли маориф бошқармаси раҳбарияти ушбу муаммога томошабин бўлиб турмасдан, имкониятларини ишга солиб, тармоқ ходимларини соғломлаштиришга эътиборни кучайтирса ёмон бўлмасди. Чунки биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилинмаса, йирик тармоқдаги ушбу сиҳатгоҳ ҳам «Зиёкор»га ўхшаб ёпилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли Омон Набиевич!

Шу файзли, латофатли кунларда иноқ жамоамиз, шогирдларингиз номидан сизни қутлуғ 70 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сиз ўзингизни орзулари ушалган, энг бахтли инсонлардан бириман, дейишга тўла ҳақлисиз. Боиси, қаерда ва қайси вазифада ишламанг, энг ажойиб фазилатларни намоён этдингиз. Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдингиз.

Лаёқатли шогирдлар тайёрлаш, турли тадбирларни намунали ўтказишда ташаббус ва жонбозлик кўрсатдингиз. Кўп йиллик ҳалол хизматларингиз ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ҳаётингиз бундан-да зиёда бўлсин, чинордек умр кўринг. Сизнинг фазилатингиз, жўшқин йиллардаги хайрли ишларингиз барчамизга намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқаруви.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6